ҒЎЗА САРАТОН СУВИГА ҚОНСИН

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 112 (4359). | 6 июнь, шанба — 1970 йил. | Баҳоси 2 тийин.

БЕШЙИЛЛИКНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРАМИЗ

Суратда: пахтакорлар кенгаши қатнашчиларидан бир группаси.

А. Абалян фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Азиз ўртоқлар!

КПСС Доғистон область комитети, Доғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг Президиуми ва Министрлар Совети кўп миллатли Доғистон халқининг ҳис ва туйғуларини ифодалаб, сизларга ва сизлар орқали қардош ўзбек халқига табиий офат сабабли самимий дардкашлик ва бирдамлик изҳор қилганликларингиз учун ҳамда зилзила оқибатларини тезроқ тугатиш ишида қатта ёрдам берганлигингиз учун чин кўнгилдан қизғин ташаккур айтадилар.

Қардош Ўзбекистон ССР 1970—1971 йилларда Доғистон днёрида йигирма минг квадрат метр уй-жой майдони, 6 минг кишига мўлжалланган жамоат—савдо маркази, 280 ўринли болалар боғчаси ва район қозонхонаси лойиҳасини тузиб ва шуларни қуриб беришга қарор қилганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб Доғистон меҳнаткашлари ниҳоят даражада миннатдор бўлишди.

Сиз азиз дўстларга ҳурсандлик билан шуни хабар қиламизки, бошимизга тушган оғир кунларда биз Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети, Совет Ҳукумати қилган ғаламарча ғамхўрликни ва эътиборни, табиий офат оқибатлари билан курашда биз билан ёнма-ён турган қардош халқлар дўстона қалбининг ҳароратини айниқса ўткир ҳис қилдик. Мана шуларнинг ҳаммаси табиий офат оқибатларини тугатиш йўлидаги курашда бизга ғайрат ва қувват бағишлайди, партия ва ҳукумат, Советлар мамлакатининг халқлари ёрдамида Доғистон меҳнаткашлари зилзила етказган жарохатларни тузатиб оладилар, шаҳар ва қишлоқларни қайта тиклайдилар, халқлар ленинчи дўстлигининг рамзи бўлиб қола оладиган янги уйлар ва бинолариня қуриб оладилар деган ишончимизни янада мустаҳкамлади.

Улуғ социалистик Ватанимиздаги ҳамма халқлар ўзларининг бегараз қардошлик ёрдамларини таклиф қилиб, бизга нисбатан самимий ва чуқур ҳурмат ва меҳр-муҳаббат билан қараётганликларини ва кўнглимизни кўтариб мадад берганликларини Доғистон меҳнаткашлари асло унутмайдилар.

КПСС ДОҒИСТОН ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ. ДАССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ. ДАССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ

МИНСК, 4 июнь. (ТАСС). Бугун бу ердаги давлат опера ва балет театри биносида Минск шаҳар сайлов округининг сайловчилари СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Кирилл Трофимович МАЗУРОВ билан учрашдилар.

ЛЕНИНГРАД, 4 июнь. (ТАСС) Ленинград шаҳар сайлов округининг сайловчилари СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Бутуниттифоқ Касаба союзлари Марказий Советининг раиси Александр Николаевич ШЕЛЕПИН билан бугун Ленсовет номидаги маданият саройи биносида учрашдилар.

СТАВРОПОЛЬ, 4 июнь. (ТАСС). Ставрополь ўлкасидаги «Победа» колхозининг янги маданият саройи биносида Петровский сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод КПСС Марказий Комитетининг секретари Федор Давидович КУЛАКОВ билан учрашувлари бўлиб ўтди.

СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар бу учрашувлар вақтида нутқ сўзлаб, ўзларига билдирилган юксак ишонч учун сайловчиларга чуқур миннатдорчиликларини билдирдилар.

ИЮНЬ—ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА ЗАРБДОР ОЙ

(ПАХТАКОРЛАРНИНГ ОБЛАСТЬ КЕНГАШИДАН)

Олдин хабар қилганимиздек, шу йил 4 июнда Оққўрғон район марказида пахтакорларнинг область кенгаши бўлиб ўтди. Бу ерга пахтачилик бригадаларининг бошлиқлари, колхоз раислари, совхозларнинг директорлари, ҳужаликлар партия ташкилотининг секретарлари, район партия комитетларининг секретарлари, район ижроия комитетининг раислари, район комсомол комитетининг секретарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, «Ўзсельхозтехника» бўлимларининг бошлиқлари, тайёрлов органларининг ходимлари тўпланишган эди.

Кенгашни область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **М. М. Мусахонов** очади.

Ғўза парваришини кучайтириш ва зиммага олинган социалистик мажбуриятни бажаришнинг бориши тўғрисида доклад қилиш учун область партия комитетининг секретари **З. Х. Хўжаева**га сўз берилади.

Совет халқи, жумладан республикамиз меҳнаткашлари, дейди докладчи, жаҳон пролетариатининг доҳийси Владимир Ильич Ленин юбилейини зўр қувонч ва меҳнатда катта совғалар билан нишонлади. Шунингдек, областимиз саноатда, қурилишда, қишлоқ хўжалик соҳасида бирмунча ютуқларни ҳўлга киритди.

СССР Олий Совети сайловлари яқинлашаётган шу кунларда ишчилар, хизматчилар, қишлоқ хўжалик механизаторлари ўз участкаларида фидокорона меҳнат қилиб беш йилликнинг сўнгги йилини катта муваффақиятлар билан якунлаш учун курашаётирлар.

Бу йил баҳор ҳавоси деҳқонлар учун умуман ёмон келмади. Чигит экиш барвақт ва агротехника қоидалари асосида ўтказилди. Ҳамма майдонларда чигит бир текис ундириб олинди. Бунинг асосий омилларидан бири кузги шудгорнинг ўз вақтида сифатли ўтказилганлиги, техниканинг экишга пухта тайёрланганлиги, кўпчилик хўжаликларда чигит экишдан олдин ерларга кўплаб маҳаллий ва минерал ўғит солинганлиги, энг муҳими қишлоқ хўжалик кадрларининг ўз вазифаларига масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда қараётганликлари туфайли ана шу дастлабки ютуқлар қўлга киритилди.

Бу йил областда янги ерларни кўпроқ ўзлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Бу соҳадаги белгиланган топшириқлар оширib бажарилди. Натижада 2500 гектар ерга пландан ташқари чигит экиш имконияти туғилди. Колхоз ва совхозларда пахта майдонларининг тўла гектарли бўлиши учун курашилди. Бу соҳадаги амалга ошириладиган тадбирлар натижасида ҳозир асосий майдонларда белгиланган миқдорда ғўза кўчатлари ўстирилмоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажариш имконини беради, албатта.

Бугунги кенгаш қатнашчилари олдида шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки,— дейди ўз сўзида давом этиб докладчи,— пахтачиликни ривожлантириш масалаларига партиямиз Марказий Комитети ва Совет ҳукумати алоҳида эътибор бериб келмоқдалар. Йил сайин пахтачилик колхоз ва совхозлари маданий ўғит, техника ва моддий ёрдамларни кўплаб олмоқдалар. Шу йилнинг ўзида областимиз колхоз ва совхозларига 183 минг тонна азот, 125 минг тонна фосфор, 36 минг тонна калий аралашмалари, бундай миқдордаги минерал ўғитларни областимиз олмаган эди. Шунингдек, бу йил трактор, пахта териш машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари кўпроқ берилмоқда.

1970 йилдан бошлаб чорва маҳсулотлари, сабзавот ва пилланинг давлат харид нархлари оширилиши тўғрисида партия ва ҳукуматимизнинг қарорлари колхозлар, совхозлар экономикасини, халқимиз фаровонлигини янада яхшилашга катта ёрдам беради. Бунга жавобан колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ўзларининг қаҳрамонона меҳнатлари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш учун курашадилар ва белгиланган вазифаларни шараф билан бажарини учун зўр ғайрат кўрсатиб ҳормай-толмай меҳнат қиладилар.

Ез фаслига қадам қўйдик. Саратон кирди. Ана шу пайтда ғўзамизнинг аҳволи қайдай? Айтиш керакки, баҳорнинг яхши келганлиги, экиш ишларининг муваффақиятли ўтказилганлиги натижасида ҳозирги пайтда 50 минг гектарга яқин ердаги ёки учдан бир қисм майдондаги ғўза ёппасига шонага кирган. 60 минг гектар ерда ғўза 4—5—6 тадан чинбарг чиқарган. Бўка, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл районларидаги бир қанча хўжаликларда ғўза қатор оралариға ишлов қониқарли уюштирилган. Одам ва техника восталаридан мақсадга мувофиқ фойдаланилмоқда.

Докладда яна шу нарса алоҳида таъкидланадики, ҳосилнинг тақдири ўз қўлимизда. Меҳнат тўғри уюштирилса, техникадан унумли фойдаланилса, дала ишлари ўз вақтида ўтказилса, меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилса, шубҳа йўқки, кўзланган мақсадга эришиладя. Бунга Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхозининг ишлари мисол қилиб кўрсатилса бўлади. Бу колхозда ўтган йилларда меҳнат интизоми бўшашиб кетган эди, деҳқончилик маданияти паст эди. Далаларни қамиш, ғумай босиб ётарди. Натижада колхоз областимизда энг кам ҳосилли қолоқ хўжаликлардан бирига айланиб қолган эди. Ўтган йили бу ерда гектаридан 18 центнердан ҳосил олиниб, пахта тайёрлаш плани 77 процентда қолиб кетган эди. Колхоз аъзолари янги сайланган раис Ҳамид Одимжон номли колхоздан А. Неъматов, Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхозидан А. Бекмуродов, Бўка районидаги Фрунзе номли колхоздан Е. Мусақулов, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозидан Т. Ширибетов, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозидан Қ. Аҳмедов, Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозидан А. Алиев, Янгийўл районидаги Калинин номли колхозидан У. Муҳамедов ва шулар сингари моҳир пахтакорлар бошчилик қилаётган бригадаларда ғўзалар кун сайин ривожланмоқда, шонасини кўпайтирмоқда.

Лекин шу билан бирга ғўза парвариши соҳасида кўпгина камчиликларга йўл қўйилмоқда. Ҳозирга қадар 30 минг гектардан кўпроқ майдонда ғўза эндигина битта-иккита чинбарг чиқарган. Шундай хўжаликларнинг раҳбарлари, бригада, бўлим бошлиқлари чигитни эрта ундириб олиш муваффақиятидан эсанкираб ва хотиржамликка берилиб, ғўза қатор ораларидаги ишларни ёмон ташкил этмоқдалар, ғўзани ўтга бостириб қўймоқдалар, культивацияни ўз вақтида ўтказишга яхши эътибор бермаётирлар. Оқибатда ана шундай бригада ва бўлимларда биринчи кунларда эришилган дастлабки муваффақиятлар қўлдан бой берилиб қўйилмоқда. эртаги экилган ғўзанинг ривожи сусайиб, аҳволи мушкуллаштирмоқда.

Сизларга маълумки, дейди докладчи, булгур областимиз давлатга 20 минг тонна пахтани кам берди. Бунга айниқса Бекобод, Ўрта Чирчиқ, Бўка районларидаги кўпчилик хўжаликлар сабабчи бўлдилар. Бекобод райони колхоз ва совхозлари булгур давлатга планга нисбатан 7 минг тонна пахтани кам бердилар. Афсуски, районда бу йилги аҳвол ҳам бугунги талаб даражасида эмас. Қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахтачиликда жиддий хатоларга йўл қўйилмоқда. Район қаттиқ шамоллар зонасида жойлашганига қарамай, экишдан олдин кўпчилик майдонларда запас суғориш ўтказилмади. Нами қочиб қолган ерларга экилган чигит текис унib чиқмади. Ғўза қатқалоқ орасида қолиб ривожи ёмонлашди, томир-чириш касалига учради, ўт босиб кетди. Ҳозир Бекобод район хўжаликларидаги ғўза илдиз районлардагидан 10—15 кун орқада қолмоқда.

Бекобод район партия комитети, район ижроия комитети, қишлоқ хўжалик органларининг бошлиқлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бу аҳволни тузатиш учун кескин чоралар кўришлари, давлат, партия интизомини мустаҳкамлашлари керак.

Ҳозирги пайтда далага чиқмаган бирор колхозчи, совхоз ишчиси, бекор турган трактор бўлмаслиги зарур. Ишнинг сифати устидан қаттиқ назорат ўрнатиш талаб қилинади.

Худди шунингдек, Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли совхоз (Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ўқув-тажриба хўжалиги)даги аҳвол ҳам қониқарли эмас. Бу совхоз икки йилдан бери давлат пахта тайёрлаш планларини бажармай келади. Шунга қарамай, хўжалик раҳбарлари — Муталов ва Пах ўртоқлар, институт раҳбарлари — директори ўртоқ Имомалиев мўл ҳосил учун курашни яхши ташкил этмаётирлар. Ҳозир совхозда минг гектардан кўпроқ ердаги ғўза ўт ичида қолиб, ривожи кечикмоқда. Шунга қарамай, ишчиларнинг кўп қисми ғўза парваришига қатнашмаётир.

Бу хилдаги камчиликларни бошқа район хўжаликларида ҳам учратиш мумкин. Колхоз, совхозларнинг раҳбарлари ғўза парваришини кучайтириш юзасидан зарур бўлган ҳамма тадбирларни зудлик билан амалга оширишлари, июнь ойида ҳамма майдонда ғўзани бир ярим-икки марта парвариш қилиш тадбирларини кўришлари керак.

Саратон кириб кунлар исиб кетди. Ғўза кўплаб сув талаб қилади. Сугориш ишларини кечаю-кундуз яхши ташкил этишимиз, сувчилар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилишимиз, далаларни чанқатиб қўймаслик ёки сувга эзиб юбормаслик тадбирларини кўришимиз зарур. Июнь ғўза парваришида зарбдор ой. Бу ойда ҳамма далада бўлиши, пахтакорларга хизмат кўрсатадиган ташкилотлар ҳам ўз ишларини дала шийпонларига кўчириб чиқишлари талаб этилади. Ана шундай қилинганда она-Ватанга областимиз бўйича 350 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олган социалистик мажбуриятларимиз шараф билан бажарилган бўлади.

Доклад юзасидан қизғин музокаралар бўлди.

Сўз Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари **С. Тоировга** берилади.

У шундай дейди:

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Тошкентда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленумда «ВЛКСМ XVI съезди якунлари ва Ўзбекистон комсомол ташкилотларининг вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. Ҳ. Абдуллаева доклад қилди.

Доклад юзасидан бўлган музокаралардан кейин пленум шу масала бўйича қарор қабул қилди.

Пленум кун тартибидаги иккинчи масала — «Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ҳузурида доимий ҳаракатдаги комиссияни тасдиқлаш» тўғрисида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Б. Арсентьев сўзлади.

Пленум ишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ташкилий-партиявий бўлими мудири Г. М. Орлов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг инструктори Ф. Н. Зиченко ўртоқлар қатнашдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон пиллачилари партия XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейин бўлиб ўтган Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига қабул қилинган юбилей мажбуриятларини бажариш учун курашиб, пилла етиштириш ва давлатга сотиш йиллик планини муддатидан илгари 5 июнда бажардилар.

Тайёрлов пунктларига 17500 тоннадан знёд пилла топширилди. Пилла топшириш давом этмоқда.

Республика пилла тайёрлаш беш йиллик планини 110 процент бажарди, беш йиллик пландагидан ташқари давлатга 8,6 минг тонна пилла сотилди, ўтган беш йилликдагига нисбатан эса пилла етиштириш 11,8 минг тонна кўпайди.

Республика пиллачилари ипак қурти боқишнинг прогрессив усулларини ишлаб чиқаришга жорий қилиб, бу йил пилладан мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳар қути уругдан ўрта ҳисобда 62 килограммдан пилла олинди.

Бухоро ва Сурхондарё областлари пилла тайёрлаш планини республикада биринчи бўлиб бажардилар. Қашқадарё, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Хоразм ва Андижон областларининг пиллачилари давлатнинг план-заказини муваффақиятли бажардилар. Давлатга 3935 тонна юқори сифатли хомашё сотган Фарғона, 2360 тонна пилла топширган Андижон, 2318 тонна пилла тайёрлаган Бухоро, 1980 тонна пилла сотган Самарқанд ва 1755 тонна пилла топширган Наманган областларининг пиллачилари планнинг бажарилишига энг салмоқли ҳисса қўшдилар.

Республика ҳўжаликларини юқори сифатли гибрид уруғ билан таъминлаган уруғ заводлари ва наслли пилла станцияларининг ишчилари ҳамда мутахассислари яхши меҳнат қилдилар.

Пилланинг харид нархи оширилганлиги бу йил пилла етиштириш планини муваффақиятли бажариш ва пилланинг сифатини яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Республика колхоз ва совхозлари қимматли хомашё бўлган пилла етиштиришни давом эттиришга қатъий қарор қилганлар. Бу йил пилладан ташқари камида минг тонна пилла топширилади. Бу билан юбилей йили учун олинган юксак социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилади.

ТАСС АХБОРОТИ

«Союз-9» кемаси 4 июнь Москва вақти билан соат 18 дан 15 минут ўтгунга қадар Ер атрофини 46 марта айланиб чиқди.

Совет Иттифоқининг ердаги кузатиш станциялари радио орқали алоқа боғлашига имкон берадиган зонага кема ўтгандан кейин соат 15 дан 28 минут ўтганда тўртинчи иш кунининг биринчи радио алоқа сеанси бошланди. Кема командири Николаев ҳар иккала космонавт жуда мириқиб ва яхши ухлаб олганлигини, уларнинг яхши ҳис қилаётганликларини ва кайфлари чоғ эканлигини хабар қилди.

Николаев билан Севастьянов ўртоқлар илмий техникавий экспериментлар программасини бажаришни давом эттириб космик кемани юлдузларга қараб қўлда бошқариб боришга имконият берувчи аппаратларни ишлатиб кўрдилар.

Кема ернинг соясида турган пайтда борт инженери Севастьянов Вега юлдузини кўриб қолди ва кемани қўлда бошқариш системасидан фойдаланиб, уни юлдуз датчик кўрадиган доирага оптик визир ёрдамида олиб ўтди. Юлдуз датчикка «юлдузни тутиш» командаси берилганидан кейин кема командири Николаев шу команда бўйича кемани гиро асбоблар ёрдамида муқимлаштирди. Шу вақт ичида космонавт Севастьянов юлдуз уфқдан қанчалик баландда тургаплигини секстант ёрдамида ўлчаб аниқлади.

Бундан ташқари кема учиб бораётганда космонавтлар хилма-хил медицина экспериментлари ва тадқиқотлари олиб боришди. Телеметрия маълумотларига ва космонавтларнинг айтишларига қараганда, уларнинг ишлаш қобилияти юксак даражада сақланиб турибди.

«Союз-9» космик кемасининг экипажи учиш программасини муваффақиятли бажариб бормоқда.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАВЛАТГА ПИЛЛА ТОПШИРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 5 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районларнинг номи, иккинчи стун — бир қутлик ўсиш, учинчи стун — мавсум бошидан бери.

Оққўрғон	0,4	104,9
Янгийўл	0,2	103,8
Калинин	0,5	102,3
Ўрта Чирчиқ	1,8	100,3
Оржоникидзе	0,9	100,1
Бўка	0,4	92,9
Юқори Чирчиқ	2,2	89,6
Бекобод	0,1	80,7
Бўстонлиқ	5,5	56,7
Область бўйича	1,0	95,5

ИЮНЬ—ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА ЗАРБДОР ОЙ

(Боши 1-бетда).

— Районимиз учун табиатан жуда қулай бўлган 1967 йилга нисбатан бу йил ғўзаларимизда 1—1,5 та барг кам. Бизнинг ҳисобимизча умум пахта майдонимизнинг учдан бир қисмидаги ғўза талабга жавоб бермайди. Биз бу ғўзаларни июнь ойи давомида алоҳида парвариш қилиб, ўғитлашни вақтида ўтказиб, чопиқ ва культивация сифатини яхшилаб, яхши ғўзалар қаторига етказиб оламиз. Шуни очиқ айтиш керакки, айрим хўжаликларимизнинг раҳбарлари чигитни эрта экдик, ерга гербицидлар солдик, деб кейинги вақтларда бегам бўлиб қолганликлари сабабли, ғўзаларимизнинг аҳволи ҳар хил бўлиб қолди. Бир ерда ғўза ёппасига шоналайдиган бўлса, айрим далаларда энди иккита-учта чин барг чиқарган ғўзалар бор. Сулton Сегизбоев номли совхоз, Карл Маркс номли колхозда ана шундай аҳволни учратамиз. Биз бу камчиликларни тезда тугатамиз. Бу йил минерал ўғитларни эрта муддатларда беришга ҳаракат қиламиз. Беш йилликнинг сўнгги йилида пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан олган социалистик мажбуриятимизни қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қиламиз.

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси ўртоқ **М. Исматов** сўзга чиқади. У колхозда бу йил элит хўжалиги ташкил этилганлиги, асосий майдонларга Тошкент навлари экилганлигини айтади.

— Биз,— дейди у,— Тошкент навли пахтани бултур етиштириб кўрдик. Бу навдан деҳқонларимиз жуда хурсанд. Ўтган йили 30 гектар ерга ана шу нав чигитни экиб, ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб ҳосил олган эдик.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бу навлар вилтга жуда ҳам чидамли. Ҳосилнинг офати бўлган вилт биз деҳқонлар меҳнатини жуда ҳам қийинлаштириб келаётган эди. Бултур Тошкент навлари экилган ерлардаги ғўза вилт билан жуда кам зарарланди. Биз бу навнинг афзалликларини ва агротехникасини бу йил бирмуича ўрганиб олдик. Ҳозирча ғўзаларимизнинг ривожи бизни қаноатлантирмаётир. Чунки баҳор эрта келган бўлса ҳам биз Тошкент навини кечроқ экиш керак, деган қайфиятда экишни мўлжалдагидан кечиктириб юбордик. 242 гектар майдон экиш олдидан суғорилди. Кўпгина жойлардаги чигитни сув билан чиқардик.

Бизнингча, ҳозирги пайтда ғўзани қуруқ культивация ва чопиқ қилиш зарур. Чунки ана шундай қилинганда илдиз атрофидаги туproқ яхши қизийди ва ғўзанинг қўшидан фойдаланиши яхшиланиб, ривожи тезлашади. Ҳозирча биз ҳамма майдонда бир марта озиқлантириш ўтказдик. Қўй гўнгини минерал ўғитга аралаштириб ҳар гектар ерга СУЗ билан 700—800 килограммдан солмоқдамиз.

Биз Тошкент нави ҳақиқатан ҳам деҳқонлар кўнглидагидек нав эканлигини бу йил ҳам амалда кўрсатамиз. Пахтадан мўл ҳосил етиштириб, юбилей йилини муваффақиятли якунлаймиз.

Колхозимиз Тошкент шаҳрига яқин. Биз пахтачилик билан бир қаторда чорвачиликка, айниқса сутни кўпайтиришга алоҳида эътибор беришимиз керак. 1970 йилда 200 сигир сиғадиган молхона қуриб битказилади ва Тошкент шаҳар меҳнаткашларини чорвачилик маҳсулотлари билан, айниқса сут билан таъминлаш ишига ҳисса қўшамиз.

Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз бригада бошлиғи **А. Нурматов** сўз олади.

— Биз бу йил,— дейди у,— 148 гектар ерда деҳончилик қилмоқдамиз. Ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаяпмиз. Ҳозиргача ҳамма майдонларимиз икки марта чопиқ ва культивация қилинди. Ғўзалар ёппасига шоналамоқда. Биз июнь ойида ишни янада кучайтириб, ғўзани сифатли парвариш қиламиз ва ҳосилни эрта пишиб етилиши учун зарур бўлган тадбирларни амалга оширамиз.

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий текшириш институтининг директори **Н. Маннонов**нинг нутқини кенгаш қатнашчилари зўр эътибор билан тингладилар.

Ўртоқ Маннонов ғўзаларни ёш вақтида яъни ҳозирдан бошлаб ҳосилга киритиш керак, деди. Пастки бўғинлардан олган битта кўсак юқоридан олган икки-уч кўсакнинг ҳосилини беради. Ҳозирги пайтдаги шонани тўла сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга.

Мен Тошкент областининг кўпгина районларида бўлдим. Очиғини айтиш керак, айрим қирли ерларда ғўзани суғориш кечиктириб юборилмоқда. Аксинча, сув ости яқин турган тўқай ерларда ғўзани ўзиб суғориш ҳоллари учрамоқда. Бунга асло йўл қўйиш керак эмас. Агар ғўза тупроқ структурасига қараб суғорилмаса, қилинган меҳнатнинг зое кетиб қолиши мумкин.

Худди шунингдек, областнинг кўпгина хўжаликларида ғўзани биринчи марта озиқлантириш суръати жуда паст. Ғўза озиқни ёшлигида кўпроқ талаб қилади. Агар у шу даврда яхши тўйдирилса, пояси бақувват бўлиб шохлари кўпаяди ва ҳосилини сақлаб қолади.

Суғориш билан ишлов ўртасидаги тафовутнинг кўп бўлиб қолаётганлиги ҳам ғўзанинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Сувдан кейин ғўзалар уч кун ўтгач, культивация ўтказилиши керак. Агар шундай қилинмаса у ҳосилини тўкиб юбориши мумкин.

Айрим далаларни кўрганда ўша ерда ишлаётган деҳқонларга қойил қолмаймиз. Чунки улар яганани сифатсиз ўтказганлар. Ҳар уяда 6—7 ҳатто, 8 тадан ғўза ўстирилмоқда. Уядаги бир туп ортиқча ғўза бир туп ўт демакдир. Эртаиндин ғўзалар гуллаганда, кўсакланганда ортиқча ғўзаларни олиб ташлагандан кўра, ҳозир юлиб ташлаш зарур. Бу ишни шу кунларда тезда бажаришимиз керак. Ана шундай қилганимизда ғўза сершох бўлиб ҳосилни пастдан олади ва у деҳқон хирмонига барака киритади.

Ўрта Чирчиқ район ижроия комитетининг раиси **А. Назаров**га сўз берилади. Ўртоқ Назаров район пахтакорлари ҳар бир йил 23550 гектар ерда деҳончилик қилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун қурашаётганликларини сўзлаб беради. Ҳозиргача райондаги барча хўжаликларда ғўзаларга икки марта узунасига, икки марта кўндаланигига ишлов берилди. Ҳамма ердаги ғўзалар бир марта озиқлантирилди. Иккинчи озиқлантириш давом эттирилмоқда.

Районимиздаги айрим хўжаликлар даласида баъзи майдонларни ўт босган, ғўзани суғориш соҳасида ҳам камчиликлар йўқ эмас. Бу камчиликларни тезда бартараф қилиб, ғўзаларнинг ривожини тезлаштирамиз ва мўл ҳосилга пухта замин ҳозирлаймиз.

Районимиздаги кўпгина хўжаликлар асосан чорвачилик ва галлачилик билан шуғулланадилар. Бу йил адирларда ғалладан мўл ҳосил етиштирилмоқда. Чорвачилик маҳсулотлари ўтган йиллардагига нисбатан бирмунча кўп бўлмоқда. Биз ғалланы қисқа фурсатда сира нобуд қилмай ўриб янчиб оламиз ва чорвачилик маҳсулотларини янада кўпайтириш учун курашамиз.

Кенгаш қатнашчилари ғўзанинг ўсишини ва ривожланишини тезлаштириш учун суғоришга алоҳида эътибор беришга, ёнгинарчиликлардан кейин зичлашиб ва моғор босган ерларни сув билан ювиб, ғўзаларни тезроқ ҳосилга киришини таъминлашга қарор қилдилар. Суғоришни группа бўлиб ўтказиш, далаларни бир вақтда культивация қилишга етилишини таъминлайди деб таъкидладилар кенгаш қатнашчилари. Шунингдек, ўғитлашга алоҳида эътибор бериш, культивация суръатини тезлаштириб, сифатини яхшилаш, ҳар бир пайкалда белгиланган миқдордаги кўчатни сақлаб қолиш юзасидан маслаҳатлашиб олдилар.

Кенгаш қатнашчилари 1970 юбилей йилида она-Ватанга 850 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни бажариб, республикамизнинг 4 миллион 100 минг тонналик улкан ҳирмонига муносиб ҳисса қўшамиз деб айтдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари ғўза парваришини кучайтириш ва юбилей йилида олинган социалистик мажбуриятларни бажариш юзасидан конкрет тадбирлар белгиладилар.

ХАЛҚ ЁДГОРЛИКЛАРИ АСРАЛМОҚДА

4 июнь куни қадимий Хивада Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларини сақлаш жамияти правленниесининг навбатдаги пленуми очилди. Пленумда республика министрликлари ва идоралари ходимларининг катта группаси, партия ва совет ташкилотлари вакиллари, фан ва маданият арбоблари иштирок этдилар.

Пленумни жамият правленнесининг раиси — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Е. С. Насриддинова очди. Шундан кейин Хоразм область ижроия комитети раиси Р. Ишчонов тарихий архитектура ёдгорликларини сақлаш Хива шаҳрини обод қилиш, планлаштириш ва қуриш соҳасида республика ҳукумати мўлжаллаган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида доклад қилди. Область жамияти советининг раиси, Хоразм область ижроия комитети раисининг ўринбосари Г. А. Еқубова совет томонидан қилинган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Пленум Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон республика жамияти советининг раиси А. Ғ. Ғойибованинг докладини ҳам тинглаб муҳокама қилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди. (ЎзТАГ).

КОММУНИСТЛАРНИНГ БИРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Бундан бир йил муқаддам, 1969 йил 5 июнда Москвада коммунистик ва ишчи партияларининг Халқаро Кенгаши ўз ишини бошлаган эди.

«Улуғ Ленин революцион интернационалистларнинг халқаро миқёсдаги мустаҳкам иттифоқи ишчилар синфи озодлик ҳаракатининг ғалабаси учун гаровдир, деб таълим берган эди. Биз улуғ Ленининг бу васиятини яхши эсда тутмоқдамиз, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев. В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда. — Коммунистик ва ишчи партияларининг ўтган йили ўтказилган Халқаро Кенгаши бу иттифоқни мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлди».

Кенгаш ҳозирги босқичда империализмга қарши курашнинг вазифаларини ҳамда коммунистик ва ишчи партияларининг, империализмга қарши барча кучларнинг ҳаракат бирлигини ўзининг диққат марказига қўйди. Масаланинг бундай қўйилиши тўғри ва ўз вақтида бўлганлигини ҳаёт тасдиқламоқда. Америка империализмининг Ҳинди-Хитойдаги жиноятокорона қуролли интервенцияси кенгайтириб юборилганлиги, Исроилнинг араб халқларига қарши давом этаётган агрессияси, империализмнинг қуролланиш пойгаси авж олиб кетганлиги, монополияларнинг капитал мамлакатларидаги ҳукмронлиги ва зўравонлиги кучайиб кетганлиги — буларнинг ҳаммаси коммунистларнинг империализм — инсоният душмани, империализмнинг халққа қарши қаратилган агрессив снёсати турли соцнал қатламлардаги кишиларнинг, миллатлар ва мамлакатларнинг ҳаётий манфаатлари билан тўқнашиб қолмоқда, деган хулосасининг тўла адолат билан айтилганлигидан далолат бермоқда. Коммунистларнинг ер юзидаги барча халқларга қарата империализмга қарши умумий курашда бирлашингиз, деган индоси барча қитъалардаги меҳнаткашларнинг қалби ва онгида кенг ўрин олди.

Жаҳон революцион ҳаракати айрим отрядларидаги қийинчиликлар ва муваффақиятсизликларга қарамай, империализмга қарши тарихий юришни давом эттирмоқда, деб таъкидлади Халқаро Кенгаш.

Жаҳон социализми йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Социализмнинг тарихий миссияси тобора ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Худди ижтимоий шу тузум халқларни эркин миллий тараққиётнинг кенг йўлига олиб чиқишини, уларнинг суверенитетини ва мустақиллигини ташқи душманлардан ҳимоя қила олишини, ҳар бир халқнинг ҳар тарафлама тараққиёт йўлидан тез ҳаракат қилиши истиқболини амалда кўрсатиб турибди. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб кўп қиррали бўлиб қолди.

Қаҳрамон Вьетнам халқи Америка агрессорларига оғир талафотлар келтирди. АҚШ империализмининг Ҳиндн-Хитойда агрессияни кенгайтириб юборганлиги халқларнинг ўсиб бораётган қаршилигига дуч келиб, янги мағлубиятларга учрамоқда. Империалистларнинг Яқин Шарқ ва жаҳоннинг бошқа районларидаги халққа қарши фитналари ҳам ҳеч қандай муваффақият қозонолмайди.

Коммунистларнинг монополиялар зулми ва ўзбошимчалигига қарши курашни кенгайтириш ҳақида ишчилар синфига, антимонополистик кучларга қарата қилган даъватини тобора ўсиб бораётган халқ оммаси ҳаракати қўллаб-қувватламоқда. Меҳнаткашларнинг қудратли чиқишлари капиталистик дунёни ларзага келтирмоқда. Йирик капиталнинг умумжокимиятига чек қўйишга ва тубли социал қайта қуришларни амалга оширишга қодир бўлган снёсий иттифоқни шакллантириш ишидаги авангард куч бўлган ишчилар синфининг роли ошмоқда.

Барча қийинчиликларга қарамай Осиё, Африка, Латин Америкасидаги халқларнинг миллий озодлик ҳаракати кенгайиб, ўсиб бормоқда. Империализмга ва янги мустамлакачиликка қарши курашда жаҳон социализми, халқаро ишчилар ҳаракати ва миллий озодлик ҳаракатининг ҳамкорлиги ва бирдамлиги мустаҳкамланиб кўп қиррали бўлиб қолди.

1969 йилги Кенгаш революцион курашнинг янги имкониятларини очиб берди ва коммунистларнинг халқаро армиясини бу имкониятлардан бутун чоралар билан фойдаланишга йўллади. Барча революцион кучларнинг бирлиги, аввало коммунистик ва ишчи партияларнинг бирлиги бу вазифани ҳал этишнинг асосий шартидир. Бу бирлик империализмга қарши умумий курашда янада самаралироқ намоён бўлмоқда. Кенгаш марксизм-ленинизм коммунистик ҳаракатнинг ўзгармас ғоявий негизи эканлигини таъкидлади.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги меҳнат кишиларининг жаҳон байрамига айланди. Бу байрам Ленин ишларининг ёрқин тантанаси намойишига, Ленин ғояларининг ҳаётий кучи тантанасининг намойишига айланди.

Коммунистик партиялар фаолиятида идеология ишларининг кучайганлиги, оппортунизмнинг ҳамма кўринишларига, догматизм ва сўл сектантчи авантюризмга қарши курашнинг актиалашганлиги 1969 йилги Кенгашдан кейин коммунистик ҳаракат тараққиётидаги характерли белгидир. Ўтган йилги воқеалар ҳозирги хитой раҳбарларининг антиленинчи, улуғ давлатчилик, бузғунчилик снёсатига Кенгаш қатнашчилари нутқида берилган баҳонинг адолатли эканлигини тўла ва бутунича исботлади.

Ўтган бир йил ичида коммунистларнинг оммага таъсири янада кучайди. Курашчиларнинг янгидан-янги оммаси коммунизм байроғи остига тўпланди. Коммунистлар ишчилар ҳаракатида, меҳнаткашлар орасида илмий социализм ғояларини актив пропаганда қилмоқдалар. Улар марксизм-ленинизмнинг буюк ғояларн омма онгига нечоғли чуқур сингдирилса, марксчи-ленинчи партиялар нечоғли кучли ва таъсирли бўлса революциянинг янги ғалабалари шу қадар тез келишини яхши биладилар.

«Марксизм-ленинизмга, пролетар интернационализмига садоқат, — деб таъкидлади 75 партиянинг Кенгаши ўз халқининг манфаатларига, социализм умумий ишига чексиз ва сидқидилдан хизмат қилиш — коммунистик ишчи партиялар ягона ҳаракатининг самарали бўлиши ва тўғри йўлдан бориши учун зарур шартдир, уларнинг ўз тарихий мақсадларига эришишдаги муваффақиятларининг гаровидир».

Марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми принципларига чексиз содиқ бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси жаҳон коммунистик ҳаракатининг буюк мақсадларини рўёбга чиқариш учун кучғайратини аямайди. Коммунистик ҳаракат ленинча принципларига амал қила бориб, империализмга қарши, тинчлик, демократия ва халқларнинг миллий озодлиги учун, социализм ва коммунизм учун курашда янги шонли ғалабаларга эришаверади.

(«ПРАВДА»нинг 5 июндаги бош мақоласи).

ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ ЯНГРАМОҚДА

«Хуш келибсиз, ўзбекистондик қардошларимиз!», деган сўзларни ҳозир Қирғизистоннинг ҳамма қисмида эшитиш мумкин. Ўзбек адабиёти ва санъати декадаси қатнашчиларини кутиб олиш учун Ўш аэропортига келган меҳнаткашлар ҳам шу сўзларни такрорладилар.

Ўш область ижроия комитетининг раиси Т. Қўшаев меҳмонларни кутиб олар экан, шу сўзларни айтди:

— Биз сизларни азиз акаукаларимиз ва опа-сингилларимиздек кутган эдик.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири С. Шермуҳамедов ўзининг жавоб нутқида шоду-хуррам мезбонларни самимий кутиб олганликлари учун уларга чин кўнгилдан ташаккур билдирди.

Кишилар истиқомат қиладиган оппоқ уй кварталлари, рангба-ранг гулзорлар ва ҳиёбонлар ўзбекистонлик меҳмонларни қучоқ очиб кутиб олди. Ўзбекистон вакиллари ҳар иккала республикани бир-бири билан маҳкам боғлаган дўстлик алоқаларини ҳар қадамда сезиб турдилар.

Декада қатнашчиларининг тўқимачилик комбинати ишчилари ва инженерлари билан учрашуви ғоят самимий вазиятда ўтди.

— Биз малакали кадрлар тайёрлашда катта ёрдам бераётган Тошкент, Фарғона ва Марғилондаги дугоналаримизга астойдил миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз,— деди тўқувчи Г. Мусабекова.

Қирғизистонда ўтказилаётган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига бағишланган Ўш меҳнаткашларининг митинги ўзбек ва қирғиз халқлари қардошлигининг ёрқин намойишига айланди.

Худди шу пайтда Фрунзе камволь—мовут комбинатида ҳам учрашув ўтказилди. Бу комбинатни қуришда ўзбек ишчилари ва инженерлари ҳам қатнашган эдилар. Комбинатда қирғиз қизлари «Таштекстильмаш» маркали станоклар ёнида ишлаб турибдилар. Тошкент тўқимачилари уларни бу станокларда ишлашга ўргатдилар. Комбинат инженерларининг деярли ҳаммасида Тошкент тўқимачилик саноати институтининг дипломлари бор.

Ўзбек артистлари Қирғизистондаги саноат корхоналарининг ишчиларига ўз қўшиқлари, куйлари ва рақсларини туҳфа қилдилар. СССР халқ артисти Х. Носирова, Қорақалпоғистон ашула ва рақс ансамбли, «Баҳор», «Шодлик», «Лазги» ансамбллари қизил бурчакларда, ишчиларнинг маданият саройлари ва маданият уйларида концерт қўйиб беришди.

С. ФРОЛОВА, Э. РАШИДОВ,
(ЎзТАГ махсус мухбирлари).

ЎРТАЧИРЧИҚ ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Ўрта Чирчиқ район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партиямиз XXIII съезди, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларини ҳаётга татбиқ қила бориб юбилей йилида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан катта тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Район пахтакорлари бу йил 60 минг тонна «оқ олтин» тайёрлаш учун курашиб шу кунларда ғўзага ишлов беришни ҳар томонлама уюшқоқлик билан олиб боришяпти. Ғаллакорлар ҳам, чорвадорлар ҳам олинган социалистик мажбуриятларини бажариш йўлида меҳнат қилишмоқда. Шунингдек район пиллакорлари ҳам пилла қурти парваришн кампаниясига пухта тайёргарлик кўрган ҳолда келишди. Колхоз ва совхоз пиллакорлари мавсум давомида пилла қуртларини яхши парвариш қилдилар. Натижа қувонарли бўлди. Пилла қабул қилиш пунктига район пиллакорлари 170,9 тонна ўрнига 171,4 тонна пилла топшириб йиллик планни 100,3 процент бажардилар.

Район бўйича 3 минг 100 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 55,1 ўрнига 55,3 килограммдан пилла териб олинди.

Бу катта зафарга райондаги «Полярная звезда» колхозининг пиллакорлари йиллик планни 125,8 процент, «Олмалиқ» совхози 123,6 процент, 3-«Оҳангарон» совхози 116,6 процент, Энгельс номли колхоз 115,5 процент, «Коммунизм» колхози 114,6 процент, Ленин номли колхоз 111,5 процент бажариб катта ҳисса қўшдилар. Бу колхоз ва совхозларда ҳар қути қурт уруғидан 60—70 килограммдан пилла териб олинди.

Ленин номли колхознинг илғор пиллакори Соҳибжамол Жўраева ҳар қутидан 130 килограммдан, «Ленин йўли» колхозининг илғор пиллакори Башорат Баҳромова 120 килограммдан кумуш тола тери олишга эришдилар.

Район пиллакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб яна планга қўшимча 6500 килограмм пилла топшириш мажбуриятини олдилар.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

МАОЧАСИГА ҚАЙТА ТАРБИЯЛАШ «МАКТАБЛАРИ»

Сўнгги вақтлар Пекин матбуотида «7 май мактаблари» эришган муваффақиятлар ҳусусида анча-мунча мақола ва материаллар пайдо бўлиб қолди. Маонинг кўрсатмасига биноан, «қайта тарбиялаш» учун яратилган «мактаблар» Хитойда шу ном билан аталмоқда. Бундай «қайта тарбиялаш» нималардан иборат эканлигини Пекин матбуотининг ўз хабарларидан кўрсатиб турибди. Бу «мактаблар» аслида каторга меҳнати лагерлари бўлиб, Хитойдаги чинакам революцион интернационалистик кучларни бостириш ва қириб ташлаш учун фойдаланилмоқда.

Хитой матбуотида шундай фактлар борки, уларни ўқиб «7 май мактаблари»да кишилар қандай мақсад билан ва қандай шароитларда ушлаб турилаётганлигини билиб олиш мумкин.

Биринчи шундай «мактаб»ни кичик Хинган тоғларидаги Хэйлун Юэян вилоятининг «ревкоми» тузган эди. Орадан бир неча ой ўтгач, бутун мамлакатни шундай лагерлар босиб кетди. Министрликлар ҳамда вилоят шаҳар ва уездларининг «ревкомлари» шундай «мактаб»лар оча бошлашди. Мисол учун фақатгина Тяньцзин шаҳар ташкилотининг ўзигина олис жойларда шу хилдаги 20 дан ошиқ «мактаб» очди ва у ерда 11 минг киши сақланмоқда.

Мактаб лагерларида ХКПнинг 8 съезди позицияларида турган кекса партия аъзолари «қайта тарбияланмоқда». Улар орасида япон босқинчилари ва чанкайшичилар тўдасига қарши олиб борилган озодлик курашининг кўп ветеранлари бор. Олий мактабларнинг бадном этилган ва ҳайдалган профессорлари муаллимлари, саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалик коммуналарининг собиқ раҳбарлари ҳам шу ерларга тушиб келишди. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ўқув юртларида ва илмий институтларида таълим олган, ишлаган ёки шогирдликни ўтаган қарийб ҳамма мутахассислар «миясини тозалаш» учун «7 май мактабларига» юборилдилар.

Кўмир саноати министрлиги «7 май мактабига» юборган минг кишидан 590 киши инженер ва техник, қолганлари эса хўжалик партия ва касаба союз ходимлари. Уларнинг бирдан-бир «айби» «Мао Цзе-Дун кўрсатмаларини яхши билмасликдан иборатдир. Тўғон қурилиши бўйича таниқли мутахассис инженер Ван Гуан-Мин техника кадрлари билан бунчалик онгсизларча муомала қилишга қарши гапларни айтган эди, шундан сўнг ўзи ҳам «7 май мактаби»га қазувчи қилиб жўнатиб юборилди.

Шундай мактабнинг бошқа бир «тарбияланувчиси» — Вэнь Юнсининг қисмати ҳам бундан ачинарли. У 17 ёшигача камбағал бўлиб ўзгаларнинг чўқаларини боқиб юрган, 1937 йилда Хитой қизил армияси сафига кириб 39 жангларда намуна кўрсатган. Озодликдан сўнг ўқиган, ишлаган, катта вилоят касаба союзлар кенгаши раисининг ўринбосари бўлган. Пекин газеталарининг сўзларига кўра, у мана шу лавозимда «Лю Шао-Цининг зарарли ғоялари» таъсирига берилиб, оқибат натижада «7 май мактаби»га тушиб қолган. Бу ерда унинг қўлига яна чўчқабоқар қамчисини тутқазишади. Пекин газеталарининг ўқтиришича, Вэнь Юн-Си ўз қисматидан мамнун ва қамчиси билан чўчқа боқишдан ташқари «раис Маога эргашиб бормоқ учун ўзимни доимо савалаб турибман» деган.

Пекин газеталари «7 май мактаблари»ни «революцион ўчоқ» деб атамоқдалар. Дарҳақиқат, ана шу «ўчоққа» тушган ҳар бир кишининг миясидан революцион қарашларни сидириб ташлашга, «Бэйцзин Жибао» газетасининг таъкидлашича, уларда «раис Маога нисбатан чексиз меҳр-муҳаббат, таъзим ҳис-туйғуларини» вужудга келтиришга интилмоқдалар.

Люхэдаги «мактаб» очилганидан бери ўтган бир ярим йил мобайнида унда 1100 киши «қайта тарбия» олди. Каторга меҳнати билан иродаси букилганларнинг бир қисми турли босқичлардаги «ревкомлар» ахтиёрига ёки ўз мутахассислиги бўйича ишлаш учун заводларга юборилди. Қолганлари эса олис қишлоқ жойларга жўнатилди. Аммо шу вақт мобайнида Люхэдаги «тарбияланувчилар»нинг умумий сони қисқармади, балки кўпайди. Бу—умумий бир ҳолдир. Ҳозирги вақтда янгиданянги ёш кадрлар—«маданий революция» чоғида кўтарилгану, лекин бирон хулқи маочиларга ёқмай қолган кишилар «7 май мактаблари»га келтирилиб турибди.

Бундай тасвирлар уларни ўқиган Хитойдаги ҳар бир киши «Мао Цзе-Дун ғоялирига садоқати»дан бирон кимса шубҳаланадиган бўлса, ўзи ҳам «қайта тарбияланиш» учун шундай жойларга юборилиши мумкин деган ўйдан ўчиқиб очиқ-ойдин мўлжаллангандир.

(ТАСС).

ИСРОИЛНИНГ ИККИ САМОЛЁТИ УРИБ ТУШИРИЛДИ

ҚОҲИРА, 4 июнь. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикаси ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари кеча тушдан кейин Исроилнинг «Мираж» типидаги икки самолётини уриб туширдилар ва бир самолётни шикастлантирдилар.

Бирлашган Араб Республикаси қуролли кучлари қўмондонлиги вакилининг МЕН агентлиги тарқатган баёнотида бундай дейилади: Мисрнинг қирувчи самолётлари Сувайш канали Шимолий сектори осмонида бўлган шиддатли ҳаво жанги вақтида Исроил самолётларини уриб туширдилар ва бир самолётни шикастлантирдилар.

Ҳарбий вакилнинг баёнотида Мисрнинг бир самолёти ўз базасига қайтиб келмаганлиги айтилади.

МУСОБАҚА КЕНГ ЁЙИЛМОҚДА

УЛАН-БАТОР, (ТАСС). Монголия саноат корхоналарида, транспорт, қурилишларида халқ революциясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг тус олмоқда. Беш мингдан ортиқ илғор ишчилар ва инженер-техник ходимлар тўртинчи беш йилликнинг топшириғини муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисида ҳозирнинг ўзидаёқ рапорт бердилар. Бу беш йиллик 1970 йилда тугайди.

Рационализаторлар ва ихтирочилар ҳаракати кундан-кунга кенг миқёсда ривожланмоқда. Рационализаторлар билан ихтирочиларнинг таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида 1969 йилда 8 миллион тугриклик маблағ ва материал тежаб қолинди.

МИЛИТАРИЗМ МАҚСАДЛАРИНИ КЎЗЛАБ

ВАШИНГТОН, (ТАСС). «Чет давлатларга ёрдам программаси» деб аталган ва навбатдаги молия йилига мўлжалланган машъум программа АҚШнинг агрессив блокларидаги «иттифоқчилари»ни ҳарбий куч билан қувватлаш, шунингдек реакцион режимларни қокимият тепасида ушлаб туриш мақсадларига хизмат қилади.

Вакиллар палатасининг бюджет маблағларини тақсимлаш комиссиясида чет мамлакатларга «бериладиган» ёрдамнинг 1971 молия йилига мўлжалланган программасини овозга қўйиш натижаларини шарҳлаётган маҳаллий кузатувчилар шундай хулосага келишди. Комиссия аъзолари АҚШнинг иқтисодий аҳволи ёмонлашиб бораётганлиги билан ҳисоблашишга мажбур бўлиб, «чет мамлакатларга ёрдам» учун ҳукумат томонидан талаб қилинган маблағ миқдорини 25 процент қисқартириб, уни бир миллиард 645 миллион долларга туширишга қўйдилар. Бироқ, «Вашингтон пост» газетасининг ёзишича қараганда, иқтисодий ёрдам программаси учун бериладиган маблағнинг миқдоригина қисқартирилди, холос. Аммо ҳарбий ёрдам бериш учун жуда катта маблағ ажратиш тўғрисида Оқ уйнинг қилган илтимоси тўла равишда маъқулланди. Натижада АҚШ ҳукуматининг ўз «иттифоқчилари»ни ҳарбий жиҳатдан бевосита қўллаб-қувватлаш учун беришни илтимос қилган маблағлари «чет мамлакатларга ёрдам» деб аталган навбатдаги программа харажатларининг энг дилкаш жуда катта қисмини ташкил этади.

ГОЛЛАНДИЯ. Бу ерда Англия, Голландия ва Ғарбий Германия мамлакатлари ўртасида саралаган уран заводи қуриш ҳақида шартнома имзоланди. Бу Алмело аҳолиси ўртасида қаттиқ норозилик туғдирди. Суратда: уран заводи қурилишига қарши бўлганлар намойиши. АДН—ТАСС фотоси.

ЛЕНИНЧА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ИФОДАСИ

20.000 КВАДРАТ МЕТР УЙ-ЖОЙ — ЎЗБЕК ХАЛҚИДАН ДОҒИСТОН ХАЛҚИГА ҚАРДОШЛИК ЁРДАМИ

«ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚАРДОШ ДОҒИСТОНГА СОВҒА ТАРИҚАСИДА ҚУРИБ БЕРАДИГАН УЙ-ЖОЙЛАР СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ ДЎСТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА, ҚАРДОШЛАРЧА ЎЗАРО ЁРДАМНИНГ АЖОЙИБ ТРАДИЦИЯЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ЯНГИ ҲИССА БЎЛИБ ҚЎШИЛАДИ. АНА ШУНДАЙ ҚАРДОШЛАРЧА ЎЗАРО ЁРДАМ ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТИДА ВАЙРОН БЎЛГАН ПОЙТАХТИМИЗ ТОШКЕНТ ШАҲРИНИ ТИКЛАШ ВА УНИ ТАҒИН ҲАМ КЎРКАМ ШАҲАРГА АЙЛАНТИРИШ ИМКОНИНИ БЕРДИ».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети-нинг қароридан).

ТОШКЕНТ КРАНЛАРИ ДОҒИСТОНГА

«Подъемник» заводига Дағистондан телеграмма келди. Унда зилзила оқибатларини тугатиш учун 10 тонналик кранлар зарурлиги айтилган эди. Завод коллективи бундай кранларни Дағистонга план бўйича йилнинг охиррогида етказиб беришни кўзлаганди. Лекин табиий офат планга ўзгартиш киритишни талаб қилди. Ҳамма бир овоздан июнь ойининг биринчи ярмиданоқ бу кранларни тайёрлаб қардош Дағистонга жўнатишга аҳд берди.

Ҳозирги кунда корхона цехларида иш қизғин. Металл конструкция цехида кранларнинг бош ва қуйи блоклари тайёрланмоқда. 1-цехда ҳаракатланувчи қисмлар ҳозирланмоқда. Келаси ҳафтадан кранлар дўстларимиз ихтиёрига жунатилади. Бундан ташқари пойтахтимиздаги кўпчилик саноат корхоналари ҳам Дағистонга ўзларининг ажойиб совғалари билан ёрдам бераётирлар. 1-уйсозлик комбинатининг меҳнатсевар коллективи дағистонликларга йирик панелли уйлар жўнатишни зиммаларига олдилар.

ПЕТР ФИЛИППОВИЧ САЧКО раҳбарлигидаги комплекс бригада аъзоларининг бир группаси Дағистонга бориб, қурилишларда ишлашга аҳд қилишди. Суратда: бригаданинг шундай аъзоларидан Владимир Шумков (чапдан), бригадир Петр Сачко, Виктор Лохмачев, Леонид Дьюпин, Михаил Баженов ўртоқлар.

А. Абалян фотолари.

ҚАЛБ АМРИ БИЛАН

Дағистон аҳолиси бошига тушган оғир мусибат қалбимизни ларзага солиб юборди. Чунки бундай зилзила ўз бошимиздан ҳам ўтган. Шаҳримиз табиий офатдан ташвишда қолган бир пайтда Иттифоқимизнинг юзлаб олийҳиммат бунёдкорлари тезкорлик билан ёрдам қўлларини чўзишган, дардимизга малҳам бўлишган эди.

Дағистон зилзиласи ҳақида эшитганимизда ҳам дўстларимизга юрагимиз ачишди, аммо уларнинг ягона оиламизда асло ўксиб қолмасликларига ишонардик. Чиндан ҳам бу зилзила ҳақидаги хабарни эшитиб, Иттифоқимизнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларидан, турли бурчакларидан қардош Дағистонга ёрдам беришга отланаётган кишиларнинг сон-саноғи бўлмай қолди. Тошкентимиздан ҳам ёрдам қўлини чўзишга интилаётганлар беҳисоб. Мен ҳам шулар сафидаман, албатта. Ўзимнинг кичик ҳиссам билан дўстларимиз оғирини енгил қила олсам ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

Ёрдамга отланаётганимни эшитиб рафиқам ҳам мен билан бирга боришга, дағистонликларга қўлидан келган ёрдамни аямасликка аҳд қилди. У медицина ҳамшираси. Кишилар дардига шифо бағишлаш, уларнинг кўнглини кўтариш дўстлик бурчимиз, албатта.

Мен бошчилик қилаётган 2502-автотрестга қарашли 2503 автобазанинг автомашиналар группаси коллективи бир ёқадан бош чиқариб Дағистонда энгилган туфайли вайрон бўлган биноларнинг ўрнида янги, кўркам турар-жой ва маданий-маиший бинолар қуриш ишида актив қатнашиш истагини билдирди. Группамизнинг барча аъзолари ўз ишининг моҳир усталаридир. Уларнинг ўз аҳдларига яраша дўстлар диёрида ҳиммат ва ташаббус кўрсатиб ишлашларига имоним комил.

М. ДАМИНОВ,
қурилиш механизмлари ва автотракторлар механиги.

ҚАРДОШЛИК ЁРДАМИ

Дағистонда рўй берган зилзила автоном республиканинг бир қанча районларига катта зарар келтирди. Лекин дағистонликларни у саросимага сола олмади. Ҳамма худди бир кишидек зилзила етказган жароҳатларни бартараф этишга отланди. Кекса-ю ёш мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатмоқда.

Советлар мамлакатининг барча халқлари дағистонликларни табиатнинг бу даҳшатли ҳружи олдида якка қолдиришмади. Она-Ватанимизнинг барча республикалари, ўлкалари ва областларининг меҳнаткашлари ёрдам қўлини чўзишяпти. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети зилзила оқибатида бошпанасиз қолган дағистонлик оилалар учун 20 минг квадратметр ҳажмда уй-жой майдони ва бошқа қатор маданий-маиший муссасаларни ёрдам тариқасида қуриб бериш ҳақида қарор қабул қилдилар. Шундан сўнг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети капитал қурилиш бўлимининг мудири ўртоқ М. С. Сандов раҳбарлигида оператив группа ташкил этилди. Унинг составида Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари К. П. Дудин, республика «Госстрой»нинг раиси А. Т. Шахов, «Главташкентстрой» бошлиғи В. Н. Маркин ва бошқа ўртоқлар бор эди. Группа Дағистонда бўлиб, Ўзбекистон уйлари қуриладиган майдонни, қардош халққа қайси соҳада қандай ёрдам бериш лозимлигини аниқлади.

Оператив группа республикамизга қайтиб келди. Мухбиримиз группа раҳбари ўртоқ М. Саидовга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

—Маҳмуд Саидович, Дағистондаги ер қимирлаш оқибатларининг яқиндан гувоҳи бўлдингиз. Қардош республикада вужудга келган вазият, зилзила етказган жароҳатларни бартараф этиш учун амалга оширилаётган дастлабки ишлар ҳақида гапириб берсангиз?

—Оператив группамиз қардош республикалар вакиллари ўртасида биринчи бўлиб Дағистонга ташриф буюрди. Бу ерга келгач республиканинг зилзиладан зарар кўрган шаҳарлари ва қишлоқларида бўлдик. Ер қимирлаш натижасида кўпгина уйлар, уларнинг аксарияти эски типда қурилган бир қаватли турар-жойлар шикастланган, айрим корхоналарга ҳам зарар етган. Лекин сўнгги йилларда зилзила бардош қилиб бунёд этилган кўпқаватли уйлар деярли зарар кўрмаган.

Довюрак тог халқи зилзиладан саросимага тушиб қолмади. Унга қарши мардонавор курашга отланди. Республикамиз зилзиладан зарар кўрмаган районлари ва шаҳарлари меҳнаткашлари ер қимирлаш оқибатида бошпанасиз қолган, уй-жойдан ажралган оилаларга зудлик билан ёрдам беришмоқда. Махачқала аэропорти жуда гавжум бўлиб кетган шу кунларда. Палаткалар, дори-дармонлар ортилган самолетлар пешма-пеш келиб турибди. Уларни Москва ва Боку, Куйбишев ва Ростов шаҳарлари юборяпти. Грозний ва Майкопдан, Тбилиси ва Шимолий Кавказ ҳамда Закавказьедаги бошқа шаҳарлардан шошилинч юклар ортилган поездлар Махачқала томон ошиқмоқда.

Зилзила дағистонликлар иродасини бука олмади. Ҳамма жойда ҳаёт қайнамоқда, ишлар бир меёрда давом этмоқда. Завод ва фабрикаларда тайёрланган маҳсулотлар буюртмачиларга жўнатиляпти. Электр станцияларининг турбиналари ҳаракатда. Қайси қишлоқ ёки шаҳарга бормайлик, фидокорона меҳнат, шижоат устидан чиқдик.

Қумтарқала қишлоғи зилзиладан жуда катта зарар кўрди. Унинг шундоқ ёнидаги Черке қишлоғи ҳам қаттиқ жароҳатланди. Биз шу қишлоқда бўлдик. Бу ердаги Энгельс номли колхоз асосан чорвачилик билан шуғулланар экан. Қишлоқда ташкил этилган сайлов участкасида мамлакатимиз олий органига сайловлар ўтказишга тайёргарлик қизғин кетаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Агитаторлар сайловчилар билан ўтказишаётган суҳбатнинг устидан чиқдик.

Биз ҳам суҳбатга қўшилдик. Суҳбатда биз республикамиз меҳнаткашлари дағистонликларга ёрдам беришга қарор қилганликларини, улар бошига тушган мусибатга ҳамдард эканликларини, совет халқларининг метиндек мустаҳкам, бузилмас дўстлиги ва қардошлиги зилзила оқибатларини тез бартараф этажагини, бу ердаги шаҳарлар ва қишлоқлар қисқа вақт ичида янада гўзал ва кўркам бўлажагини айтдик. Халқларимиз дўстлиги туфайли Тошкентимиз янада кўркам шаҳарга айланганлиги, эндиликда шаҳримизда зилзила жароҳатларидан асар ҳам қолмаганлиги, уни бартараф этишда маънавий ва моддий ёрдам берган халқлардан бири дағистонликлар бўлганлигини зўр мамнуният ва ифтихор билан қайд қилдик.

Суҳбатда иштирок этган дағистонликлар ёрдам қўлини чўзганлиги учун ўзбек халқига жуда катта миннатдорчилик туйғуларини изҳор қилдилар. Улар меҳнат жараёнини тўхтовсиз давом эттириш, беш йиллик план топшириқларини, зиммага олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун бутун куч-ғайрат ва билимларини аямасликларини айтишди.

Худди шундай мароқли учрашув Дағистоннинг қадимий шаҳри Буйнакскдаги гўшт комбинатида ҳам бўлиб ўтди. Корхонанинг заготовка цехида ишчилар билан суҳбатлашдик. Улар асосан аёллар экан. Ҳамма Тошкентимизнинг зилзиладан кейинги қиёфаси ҳақида қизиқиб саволлар беришди. Корхона зилзиладан анчагина зарар кўришига қарамай, барча цехлар тўхтовсиз маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Ўзбекистон меҳнаткашларининг ўзларига ёрдам бераётганлигидан хабардор бўлган цех ишчилари ўзбек халқининг бу олийжаноблигини асрлар давомида унутмасликларини айтишди.

—Республикамиз меҳнаткашлари дағистонликларга қандай ёрдам кўрсатадилар?

—Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети зилзила оқибатларини тугатишда Дағистон Автоном Республикасига қардошларча ёрдам бериш тўғрисида махсус қарор қабул қилдилар. Унда 1970-1971 йилларда республикамизнинг ишчи кучи ва маблағлари билан Дағистонда жами 20 минг квадрат метр ҳажмида уй-жой қуриб бериш назарда тутилади. Кўрсатадиган ёрдамимиз фақат шунданигина иборат эмас. Уйлардан ташқари бир қанча бошқа объектлар ҳам қуриб берилади. Жумладан, 6 минг аҳолига хизмат кўрсатувчи савдо маркази бунёд этилади. 280 ўринли болалар боғча ва яслиси қурилади. Уйларни иситиш учун иссиқлик марказини ишга туширамиз.

Уйларимиз йирик панеллибўлади. Бундай панеллар асосан Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинатида тайёрланади ва темир йўл орқали Дағистонга ташилади. Ҳозир Дағистонда қурилиш ишларини олиб борадиган махсус қурилиш-монтаж поездини ташкил этиш тугалланиб қолди. Бу поезд учун зарур бўлган барча машина-механизмлар — экскаваторлар, бульдозерлар, кўтарма кранлари, бетон, қоришма тайёрлаш узеллари ва бошқа асбоб-ускуналар ажратилмоқда. Ўзбекистонлик қурувчилар иститомат қилиши учун 100 та кўчма вагон ажратилди.

Дағистонликлар бизнинг биноларимиз тушадиган микрорайонни ажратиб беришди. У Махачқаланинг денгиз томонига жойлашган. Табиати жуда гўзал. Бир ёгида осмонўпар тоглар ястаниб ётган бўлса, иккинчи томонида мовий денгиз мавж уради. Микрорайон олдида транспорт воситалари учун гараж, қурилиш машина-механизмлари турадиган махсус майдон бўлади.

Шу кунларда республикамизнинг шаҳар ва областларида Дағистонга бориб зилзила оқибатларини бартараф этишга ўзининг ҳиссасини қўшиш истагини билдирган меҳнаткашлардан кўплаб аризалар тушмоқда. Биринчи навбатда қурилиш учун зарур бўлган асосий касб эгаларини танлаш лозим.

Ҳозирги вақтда бир группа лойиҳачилар Дағистонда иш олиб боришяпти. Улар бизнинг иморатлар қуриладиган микрорайоннинг табиий ва тупроқ шароитларини ўрганмоқдалар. Сўнгра ана шу қилинган анализлар асосида микрорайон лойиҳаси тузилади. Бундан ташқари, қурилиш ишини олиб бориш зиммасига юклатилган «Главташкентстрой» ва «Оргтехстрой» трестининг бир группа мутахассислари Дағистонга кетишди.

ЁШЛАР КЎМАККА ОТЛАНДИ

Бунёдкорлар сафида комсомол ёшлар беҳисоб. Бу оташқалб ёшлар ўз қалб амрларига қулоқ солиб, Тошкентдаги зилзила оқибатларини батамом тугатиш ишида мардонавор меҳнат қиладилар. Биз уларнинг меҳнатдаги жасорати ва фидокорлигини асло унутмаймиз.

Ана шу оташқалб ёшлар орасида Россия Федерациясидан келган қурувчи ёшлар кўпчилиги ташкил этган эди. Улар сафида дағистонлик бинокорлар ҳам бор эди. Биз шу кунларда Дағистондаги зилзила оқибатларини эшитиб, дўстларимизга қанчалик ачинаётган бўлсак, улар ҳам бундан тўрт йил муқаддам шундай ҳамдардлик билдиришган, ўзлари билан бирга кўплаб қурилиш материаллари ва бинокорлик механизмлари олиб келишган эди.

Шу кунларда шаҳримизнинг барча район комсомол ташкилотларидан кўплаб аризалар тушмоқда. Уларда фақатгина биргина истак—қардош дағистонликларга қўлдан келганча бородарлик ёрдами кўрсатиш, зилзила оқибатларини тезроқ бартараф қилиш иштиёқи жўш урмоқда. Улар орасида монтажчилар, бетончилар, дурадгорлар, пайвандчилар, гишт терувчилар, қўйинг-чи, турли хил касб эгалари бор. Бу ёш бунёдкорларни навбатма-навбат Дағистонга юбориш тадбирларини кўряпмиз. Чунки бино қурилиши пойдевор тайёрлашдан бошланади. Шунинг учун биринчи галда экскаватор ва бульдозерчилар ҳамда бетончиларни юбориш мақсадга мувофиқроқ бўлади. Кейинги навбатда эса бошқа касб эгалари боришади. Хуллас, бизнинг ягона истагимиз ёш бунёдкорларимиз у ерга борган заҳотиёқ тезкорлик билан уй-жой қурилиши ишига киришиб, дўстларимизни бошпана билан тезроқ таъминласа дейимиз.

Ҳозир 400 га яқин ариза тушди. Илтимосномларнинг кети узилмаётир. Булар ҳаммаси қардош дағистонликларга бўлган чуқур муҳҳабатимиз ва садоқатимиз рамзи, албатта.

Э. УМАРОВ.
Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари.

ДЎСТЛИК БУРЧИ

Дўст бошга иш тушганда билинади, дейдилар. Дағистон халқлари бошига тушган ташвиш бошқармамиз бинокорларини ёрдамга чорлаяпти. Мен дўстларим Семён Эркэс, Герман Тавлов ва бошқалар билан биргаликда қардош Дағистонга ёрдамга борувчи кўнгилларга сафига қўшилдим.

Бинокорларнинг қўли гул деб, бежиз айтишмайди. Уларнинг қадами етган жой кўркам ва гўзал даргоҳга айланади. Мен 1960—62 йилларда Қозоғистоннинг Целиноград областидаги «Есиль—Тўрғай», Олмаота областидаги «Дўстлик» темир йўллари, сўнгра Барнаул шаҳри қурилишларида иштирок этганман. Қурувчилар қисқа вақт ичида у ерларнинг чиройини очиб юборишган эди.

1967 йилдан бери ҳозирги бошқармамизга қарашли участкаларда турар-жой бинолари қуришда қатнашяпман. Тошкентда зилзила оқибатлари тугатилиб, у гўзал шаҳар тусини олди. Шубҳа йўқки, Дағистон диёри ҳам қардош қурувчилар ҳиммати ва ташаббуси билан кўркам ўлкага айланади.

Э. ВЕРНИК.
11-«Висотстрой» трести 1-бошқармасининг бинокори.

УШБУ суратдаги бу икки дугона — Лидия Козлова (чапда) ва Елена Фарига Дағистонда Тошкент уйлари қурилишига ҳисса қўшиш истагини билдиришган.

МУҚАДДАС БУРЧ

Зилзила... Табиатнинг тўсатдан қиладиган бу қўпол ҳуружи кишилар бошига жуда кўп ташвишлар солмоқда. Дағистонда қаттиқ ер қимирлаганини эшитган Ўзбекистон меҳнаткашлари барча совет кишилари билан бирга қаттиқ ташвишга тушдилар.

Шундан сўнг республикамизнинг барча областларида ва шаҳарларида Дағистонга бориб, зилзила оқибатларини бартараф этишга ҳисса қўшиш хоҳишини билдирган меҳнаткашлардан аризалар туша бошлади. Бориш истагини билдирган ватанпарварларни рўйхатга олувчи пунктлардан бири «Главташкентстрой»да ташкил этилди.

Бу муъжазгина хона ҳозир энг гавжум хона бўлиб қолди. Дағистонга бориб ишламоқчи бўлган тошкентлик бинокорлар бу ерга тинимсиз келиб-кетиб туришибди. Улар орасида жуда кўп миллат вакилларини учратиш мумкин. Уларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.

—Асли касбим шоферлик, дейди Розиқ Шакирович Пўлатов. — Қурилиш механизмларини ҳам бемалол бошқара оламан. Тракторчи ёки бульдозерчи бўлиб ишлашим мумкин. Ягона ниятим—зилзила оқибатларини тезроқ тугатишда дағистонликларга ёрдам бериш.

Пётр Филлипович Сачко ва Владимир Алексеевич Шумков асли уралликбинокорлар. Свердловск шаҳрида улар меҳнати ва қалб қўри сингган ўнлаб бинолар бор. Тошкентда зилзила бўлгач, бу ватанпарварлар республикамиз пойтахтига қараб йўл олишди. Мана, тўрт йилдан бери шу ерда ишлашяпти. Икки дўст қурилишида иштирок этган объектлар жуда кўп. Пётр Филлипович раҳбарлигидаги комплекс бригада аъзолари «В-23» квартали, «Марказ-4»да қатор уй-жойлар бунёд этишда қатнашдилар. Ленин номли майдондаги фонтан қурилишида ишлашди. Ҳозир эса «Осиё» меҳмонхонасини бунёд этишга ҳисса қўшмоқдалар. Бригаданинг беш аъзоси бригадир раҳбарлигида Дағистонга бориб ишлашга қарор қилишди.

—Дўст бошга қулфат тушганда синалади, дейди доно халқимиз Пётр Филлипович. — Ана шу дўстлик бурчи бизни Тошкентга бошлаб келган эди. Мана энди Ўзбекистон пойтахти қаддини росмана кўтариб олди. Тўғри, бу ерда ҳали қилинадиган ишлар кўп. Лекин дағистонликларни табиий офатга қаршн курашларига ёрдам бериш шу куннинг энг муҳим вазифаси. Шунинг учун ҳам у ерда Ўзбекистон совға қилган уй-жойларни, маданий-маиший муассасаларни тезроқ қуриб беришга ҳисса қўшмоқчимиз. Владимир Шумков, Леонид Дьюпин, Михаил Баженов, Виктор Лохмачевлар ҳам Дағистонга боришмоқчи. Улар тўртинчи разрядли бинокорлар, бир неча касбни билишади. Бемалол дурадгор, гишт терувчи, бетончи бўлиб ишлашаолишади.

Лидия Сергеевна Козлова, Елена Прокофьевна Фарига, Любовь Николаевна Дудкиналар ҳам Дағистонда Тошкент уйларини қуришга боришмоқчи. Бу уч дугона «Жилстрой» трестида ишлашади. Меҳнатларидан ҳамма мамнун. Иккитадан касб эгаллашган: бетончи, плита ётқизувчи бўлиб ишлаша олади.

—Биз ўрта мактабни тугатгандан сўнг ҳеч иккиланмай бинокор бўлишга аҳд қилдик, —дейди Лидия Сергеевна.

—Лидия жуда тўғри гапирди,—дугонасининг сўзини маъқуллади Елена Фарига.—Ишимиздан жуда мамнунмиз. Менинг назаримда қурувчиликдан кўра афзалроқ, гўзалроқ, мазмунлироқ касб бўлмаса керак. Ахир меҳнатинг сингиб қад кўтарган ҳашаматли уйларни бир кўришнинг ўзиёқ қалбингни қувончларга тўлдиради!

«Главташкентстрой»нинг ишлаб чиқариш корхоналари бошқармасининг инженери Баҳодир Азизов, труба ётқазувчи ака-ука слесарлар Самад ва Рифат Муллаҳмедовлар, иқтисодчи инженер Людмила Ровнина, автокран машинисти Виталий Алексеев, механик Семён Цой ва бошқа ўнлаб бинокорлар ҳам Дағистонга бориш истагини билдиришган. Фақатгина «Главташкентстрой»да рўйхатга олинган бундай ватанпарварлар сафи 150 кишидан ошиб кетди.

Ҳ. СУЛТОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

СВЕРДЛОВ номли концерт залида Москванинг «Современник» театри гастроллари муваффақият билан ўтмоқда. Суратда: «Большевиклар» спектаклининг қаҳрамонлари — Свердлов — РСФСРда хизмат кўрсатган артист И. Кваша, Енукидзе — артист П. Шчербаков, Цюрупа — артист В. Сергачев, Луначарский — РСФСР да хизмат кўрсатган артист Е. Евстигнеев, Загорский — РСФСРда хизмат кўрсатган артист, давлат мукофотининг лауреати О. Табаков.

Н. МЕЛАМЕД чизган расмлар.

СЕН МЕНИ...

Сен мени суяр эдинг,
Ишқимда куяр эдинг.
Учрашгандик илк бора
Нақ ўн саккиз ёшимда,
Сўзларимга хўп зора
Турар эдинг қошимда.
Вужудимда ҳаяжон,
Иўқолди ҳаловатим.
Ҳал қилолмай мен ҳамон
Қалбга қилдим ҳавола.
Сени кўриши замон
Юрагим бетинч урди.
Нидо айлаб у ҳар он
«Севгин» дея буюрди.
Ҳа, эсимда ўшанда
Сен мисоли парвона.
Кунлар эмас ҳар дамда
Интилардинг мен ёна.
Айлар эдинг лутф қарам,
Кўрсанг чеҳранг ёнарди.
Ҳар куни учрашсак ҳам
Дилда соғинч қоларди.
Йиллар ўтди, биргамиз
Умримиз оқар дарё,
Парво қилмай унга биз
Қалбга соламиз рўё.
Иўқдир энди сўзларинг,
Ҳарорати, оташи.
Бир боқишда кўзларинг
Дилга олов ёқиши.
Сенга мангу содиқман
Дея берганинг ваъда.
Учрашганда шодликдан
Кулиб боқишлар қайда?
Ўша олов ёшликни
Гар унутсанг кун-бакун,
Дўст қилиб бебошликни
Юрагим айлайди ун:
Сен мени суймагансан,
Ишқимда қуймагансан.

Муқаддас АБДУСАМАТОВА.

Янги шеърлар

ИККИ ШЕЪР

ЧИРОҚЛАР

Зуҳро юлдузидек ярақлар,
Хаёлимни тортар ҳамиша,
Дилдорим кўзидек чарақлар
Унга меҳрим ортар ҳамиша.
Олислардан порлар чироқлар.
Гоҳ йўлларни мўлжалга олиб,
Гоҳ чўлларни кезган чоғимда,
Қумликлардан адашиб, толиб,
Елғизликни сезган чоғимда,
Олислардан порлар чироқлар,
Мени йўлга чорлар чироқлар.

ИЛДИЗ ВА ТАЪРИФЧИ

Илк бор ҳосил берганда шиҳол,
Бу чиройга ким бўлмас мафтун.
Завқ билан боқар у ҳушхол
Сўнг тарифин айтар у бир кун:
— Мевасидан бол томар, бир боқ,
Таралади муаттар бир ис...
Қизиқ.
Нечун ёдга келмайди бу чоқ,
Яшартувчи зўр томир-илдиз.

Маҳкам РАҲМОНОВ.

КУТУБХОНА ЙИЛНОМАСИ

● Ўрта Осиёдаги тўнғич маърифат ўчоғи ҳисобланган А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат халқ кутубхонаси 1870 йилда очилган эди. Ўша кезлари Петербург Фанлар академияси, География жамияти, Археологик комиссия, Харьков университети ўзларида мавжуд адабиётлардан бир нусхасини бу кутубхонага армуғон этдилар.

● Кутубхонани очиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйишда Туркистон ўлкасидаги илғор рус намояндалари, таниқли олимлар яқиндан ёрдам бердилар. Бу ўринда В. В. Бартольд, П. П. Семёнов-Тяньшанский, В. Л. Вяткин, Н. Н. Карамзин, Н. В. Дмитровскийларнинг номларини таъкидлаб ўтиш даркор.

● 1917 йилда кутубхонада 80 минг адабиёт бор эди.

● А. Навоий туғилган кунининг 500 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1948 йилда кутубхонага улуғ шоир номи берилди.

● Бу ерда Ленин «Искра»сининг 52 та сони ҳамда 1906 йилда ишчи тарзда босилган «РСДРПнинг биринчи ҳарбий ва жанговар конференциясининг қарорлари» сақланади.

⊙ Украинанинг XVIII асргача бўлган энг қадимги тарихига оид Украина йилномасининг биринчи босилган нусхаси ҳам бор. Бу йилнома асосан Богдан Хмельницкий замонасига доир бўлиб, у 1710 йилда Г. Грабянки томонидан тўпланган.

⊙ Кутубхонада сақланаётган адабиётлар орасида Ўрта Осиёни текширган олимлар фаолиятига доир китоблар эътиборни жалб этади. Н. М. Пржевальскийнинг 1888 йилда нашр этилган «Кляхтадан Сариқ денгиз манбаларига» деган китоби титулида: «Николай Федорович Петровскийга ҳурмат билан муаллифдан» деган ёзувни ўқийсиз. Петровский атоқли рус археологи эди. Бу китобни Пржевальский унга тақдим этган.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ. Шота Руставели кўчасида қад кўтарган янги бинолар жамоли.
Ё. Одилов чизган расм.

ТУМОР

Афсуски, мен шоира эмасман. Бу ашуланинг фақат мазмунини тушунтириб бера оламан, холос.

«Агар сен бўлмасанг, мен учун бутун дунё қоронғу. Боғу бўстон, қуёш, нур, гуллар, қўйинг-чи, бутун дунё гўзалликка тўлса-ю, сен ёнимда бўлмасанг, менинг кўнглим ёришмайди.. Сенсиз менинг ҳаётим гўё ойсиз тундек».

Оҳ, бунча ёқимли овоз, ғамгин кўй? Бу ашула мени маст қилиб ҳаёлимни ўғирлаб қўйди. Туриб, аста деразадан ташқарига қарадим. Кичик Абу шаҳари гўё сув ўртасида очилиб турган нилуфардек эди. Пастликда экинзор, жўхори, нўхот, мош, шоли экилган. Қишлоқ атрофи тоғ. Дала этагида сой оқаяпти. Сой бўйида кўрғон. Атрофда беш олтита сигир иштаҳа билан ўт чайнаяпти. Бошига катта сариқ рўмол ташлаган аёлга кўзим тушди. Сигир согиб ўтирибди. Бенхтиёр зинадан тушдим-у, ёнига бордим. Орқасидан бироз кузатиб турдим. Аёл бояги мунгли қўшиқни хиргойи қиларди. Қўли ҳаракатда.

— Сенглим, сутингиз ерга тўкилаяпти,— дедим.

У чўчиб тушди, менга қараб, иккала кафтини бирлаштирди:

— Намасте бахинжи, айе[1]

[1]Салом алайкум, опажон, келинг.

— Салом...

Қаршимда қадди қомати келишган қошлари камондек гўзал аёл турарди. Тим қора кўзлари ғамгин боқарди.

— Мен Лата Мангешкар битта бўлса керак деб ўйлардим, қаранг-а, иккинчи Латани ҳам кўрдим.

— Қўйинг-э, Лата қаёқда-ку, мен қаёқда,— деб ёқимли илжайди қиз. Хурсандман, ашулам сизга ёқибди. Лекин бу ашулам билан кўнгилларнинг жонига теккапман.

Ҳаттоки мени тентакка чиқариб қўйишди.

— Сабаб?— сўрадим мен.

— Сўраманг, бунинг достони узун...

Ҳар қанча тортинмасин, мен «достон»ни эшитмагунимча қўймадим. Самимийлигимни сезди шекилли, ҳикоясини бошлади.

Ана шу кўрғон атрофидаги ерлар, шу ўтлаб юрган моллар ҳаммаси Шоҳ Соҳибники. Отам ҳаётлигида хов, тепаликдаги қамиш уйда турардик. Кичкинагина хўжалигимиз бор эди, унинг ҳам ярим ҳосилини ер эгасига топширардик. Қолганига бир амаллаб кун кечирардик. Анави дарахт тагидаги уйда эса Мўхан Лал амаки ва унинг ўғли Ашок туришарди. Ашок Шоҳ Соҳибнинг молларига қарарди. Отаси соҳибнинг ҳисобчиси эди. Биз Ашок билан ёшликдан дўст бўлиб ўсган эдик. Қиз оғир хўрсиниб қўйди, рўмолининг учи билан нам киприкларини артиб, гапида давом этди:

— Кўкат устида ўтириб отасидан эшитган эртакларини менга айтиб берарди, мен жон қулоғим билан тинглардим. Рав ва Сита ҳақидаги эртакларни айтганда сеҳрланиб қолардим.

Битта чапатини тенг бўлиб ердик. Оталаримиз кўрса ҳам ўзларини кўрмаганга солишарди. Назаримда, уларнинг умиди ҳам бизнинг бошимизни қўшиб қўйиш эди. Лекин, кунлардан бир кун Мўхан Лал амаки кечқурун бизникига келди-да, менга қараб:

— Қизим, чилим ёндириб кел,— деди.

Чилим тутатиб келдим-у, бориб чапати пишира бошладим.

Мен биз ҳақимизда гаплашишса керак, деб бенхтиёр қулоқ солдим.

—Эртадан биз шаҳарга кетяпмиз. У ерда боқиш қийин бўлади, эчкимизни олиб қолсанг,— деди у охири.

— Тинчликми ўзи? Нега кетяпсан шаҳарга? —Таажжубланиб сўради отам.

— Хотинимнинг бир дўкондор акаси бор эди. Бундан беш йил олдин хотини вафот этган эди. Кеча ўзи дунёдан кўз юмибди. Улар бефарзанд, бутун бойлигини Ашокка хат қилиб қолдиришибди.

Секин нариги эшикдан чиқиб, кетдим. Сой бўйида ўйчан ер чизиб ўтирган Ашокка кўзим тушди. Тезда ёнига бориб ўтирдиму, мен ҳам ер чиза бошладим.

— Кичку, шаҳарга ўқишга кетсам, мени кутасанми?

— Яширмай, тўғрисини айтавер, ҳаммасидан хабардорман.

—Нима, сен хурсанд эмасмисан? Ўзинг ўйлагин, сен саводсиз, мен саводсиз... Иккаламиз ҳам бир бечора, ғариб... Мен бой бўлишни ўйлаётганим йўқ, лекин ўзимга маълум, биттагина ҳунарим бор—расм чизиш. Ҳеч бўлмаса, бир оз ўқиб олсам, иккаламиз учун ҳам ёмон бўлмасди. Узоги билан икки йилда қайтаман.— У бўйнидаги туморни олиб, бўйнимга солиб қўйди: тумор ичида Ашокнинг расми бор эди.

— Мени эсингдан чиқарма, —у қўлимни қисганича, кўзларимга тикилди.

— Мен-ку, эсдан чиқармайман-а, лекин сен шаҳарга кетяпсан, уй-жойлик бўлдинг.

— Юрак битта бўлади. Уни ҳам сенга ташлаб кетяпман,— деди Ашок.

Шу куни узоқ гаплашдик. Мана шу дарахт суҳбатимиз гувоҳи. Йиллар ўтди. Бир кун мен уни кўриб қолдим. Кўзларимга ишонмадик. Сочи қирқилган, лабига қалин қилиб бўёқ сурилган бир қиз машина ҳайдаб кетяпти. Ашок бўлса, қўлини қизнинг елкасига ташлаган ҳолда нималарнидир унга тушунтирарди. Машина шундоқ қина ёнимдан ўтиб кетди. Лекин Ашок мени кўрмади. Кўз олдим қоронғуланди. Кечқурун подачи Манну келиб шундай деди:

— Ашок акамни кўрдим. Қалъада бир қизни ўтқазиб қўйиб расмини чизяптилар. Ўша қиз-чи, эркакларнинг тор шимини кийиб олибди. Ашок акам ҳам бутунлай бошқача бўлиб кетибдилар. Огизларида сигарет, бир қўлларида қалам.

Бу гапни эшитганимдан кейин бир ой касал бўлиб ётиб қолдим. «Энди дунёда яшаб нима қиламан» деб, ўзимни сувга ташладим. Лекин, одамлар қутқариб қолишди. Ишонганим, суянганим ёлғиз Ашок эди. Энди дунёда ҳеч кимим йўқ...

У ҳикоясини тугатди. Мен нима дейишимни билмай, ёш экан, қуюлиб қолар деган мазмунда унга тасалли берган бўлдиму, лекин сира гапим қовушмади. Биз ажралишдик.

Эртасига, индинига атрофдаги тарихий ерларни сайр қилгани чиқдим, аммо қизни қайта учратмадим. Унинг нолакор ишқ қўшиғи ҳалигача қулоғимдан кетмайди...

Матлуба ИСЛОМОВА.

ҲИНД ЛАВҲАЛАРИ

ҲИКОЯ

Спорт

ЯХШИ ДАМ— МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Областимиз ишчи-хизматчи, инженер-техник ходимларининг кўпчилиги ҳар йилгидек бу йил ҳам ўзларининг меҳнат отпускаларини мамлакатимиздаги турли дам олиш уйлари, санаторийларида ўтказадилар. Область касаба союзлари ташкилотлари ана шуни ҳисобга олиб ўтган йилдагига нисбатан бу йил путевкаларни бир неча баравар кўпайтирди.

Бу йил ҳаммаси бўлиб 17 минг 312 киши Сочи, Қрим, Железноводский, Кисловодск ва Закарпатье томонларида шунингдек республикамизнинг хушҳаво ерларида жойлашган Чортоқ, 8 март, Луначарское, Оқтош, Чинобод каби санаторийларда дам олишади.

Кисловодскдаги «Ўзбекистон» санаторийсига ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Илгари бу ерда 80 киши дам оларди. Эндиликда эса бир йўла 240 киши ҳордиқ чиқариши мумкин. Санаторийда койкалар сони анча кўпайтирилди. Келаси йилда ҳам областимиздаги санаторий-дам олиш уйларини кенгайтириш давом эттирилади.

ДАСТЛАБКИ ЎИИН, ДАСТЛАБКИ ОЧКОЛАР

Жаҳон чемпионати қатнашчилари биринчи тур мусобақаларини ўтказдилар. Саккизта ўйинда жами 21 та тўп киритилди. Бу СССР терма командасининг тренери Г. Качалиннинг мусобақалар бошланиш олдидан билдирган фикрининг тўғрилигини кўрсатмоқда: ҳозирги замон футболида ҳужумкорлик рухи яна ҳукмронлик қила бошлади. Бир ўйинда ўртача салкам учтадан тўп киритилганлиги ишқибозларни қувонтиради, албатта.

Биринчи турдан сўнг Бельгия, Италия ва Уругвай, Бразилия ва Англия, Перу ва ГФР командалари иккитадан очко олиб, ўз группаларида пешқадам бўлдилар.

Биринчи турда чемпионатнинг ўзига хос «мерган»лари ҳам аниқланди. Булар бир ўйинда иккитадан тўп киритган бельгиялик Ван Мур, бразилиялик Жаирзинодир.

Хўш, қолган тўп авторлари кимлар? Булар — Манейро, Мука (Уругвай). Херст (Англия), Гальярдо, Чумпитас, Кубильяс (Перу), Дерменжнев, Бонев, (Болгария), Ламберт (Бельгия), Доменгини (Италия), Петраш (Чехословакия), Ривелино, Пеле (Бразилия), Хуман (Марокаш), Зеелер, Мюллер ГФРдир.

Биринчи турда Латин Америкаси ва Европа мамлакатлари командалари ўртасидаги норасмий баҳс чемпионат ўтказилаётган қитъа фойдасига тугади. Бу икки қитъа вакиллари ўртасида бўлган ўзаро бешта учрашувдан учтасида Латин Америкаси мамлакатлари ғалаба қилдилар, бир ўйин дуранг бўлиб тугади ва бир ўйиндагина мағлубиятга учрадилар. Жанубий Америкаликлар бу устунликни сақлаб қоладиларми —йўқми, буни чемпионатнинг кейинги ўйинлари кўрсатади. Асосий кураш олдинда турибди.

ЧЕМПИОНАТ ТЕВАРАГИДА

Гвадалахарада маҳаллий команда билан Бразилия футболчилари ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Бу ўйинда Пеле ўз терма командаси составида юзинчи марта ўйнади. Меҳмондўст мексикаликлар бундай ўзига хос юбилейни нишонлаш учун «футбол юлдузи»га кумушдан қуйилган сомбреро совға қилдилар. Пеле уни бошига кийиб кўраётганда тўпланганлардан бири шундай деди: «Сизга бундай кумуш сомбреро ёнига олтин маъбудагина етишмай турибди».

* * *

Бразилиянинг Мексикадаги элчиси Жуан Баптиста Пиньейру элчихона биносида «олтин маъбуда» учун махсус жой ҳозирлади. У ўлжани ўз ватандошлари абадий эгаллаб қоладп деб ҳисобламоқда. Ҳозирча махсус жойда тахтача осилган. Унда: «Диққат! 21 июнда бу ерда Жюль Римэ совриии бўлади» деб ёзилган.

* * *

Мексика пойтахтининг маъмурлари уларнинг командаси ўйнаётган вақтда ҳеч ким ишга чиқиши шарт эмас, деб расман эълон қилдилар.

* * *

Чемпионат ташкилотчилари тугилган куни финал ўйинлар вақтига тўғри келадиган футболчилар ҳақида хабардор қилишларини меҳмонлардан сўрадилар. Чехословакиялик дарвозабон Иво Виктор биринчи бўлиб байрам торти олди ва ўзи шарафига ижро этилган мексика миллий рақсини томоша қилди.

* * *

Сальвадор терма командасининг тренери Эрнано Карраскони жаҳон чемпионатидаги энг ҳаққоний киши деб ҳисобламоқдалар. Ган шундаки, группа турнирлари олдидан у қуйидагича башорат қилган: «Агар биз Мексика, СССР ва Бельгия командаларига 0:3 ҳисобида ютқазсак — бу нормал воқеа бўлади. 1:2 ҳисобидаги мағлубият эса биз учун муваффақият бўлади. Агар биз гоат зўр ўйнаган тақдиримизгагина дуранг га эришишимиз мумкин. «Ҳақиқий мўъжиза юз берсагина биз ғалаба қиламиз».

●

ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

«Пахтакор» футболчилари «Нефтчи» командаси билан 4 июнда бўлган иккинчи ўйинда ғалаба қилдилар. «Пахтакор» стадионига келган томошабинлар ҳужумкор ўйиннинг гувоҳи бўлдилар. Тошкентликлардан тўпларни Исоқов, Доценко, Варюхин. Цибин (бурчакдан) киритдилар. Меҳмонлар ҳужумчиси Ализода ва Маркаров «Пахтакор» иккинчи дарвозабоқи Петреикоиинг хатоларидан фойдаланиб, тўплар ўртасидаги фарқни кискартирдилар. Ҳисоб — 4:2.

Ўзбек футболчилари киритган тўртта тўп ҳам чорак финалга чиқиш учун озлик қилди. Негаки, улар Боқуда 0:4 ҳисобида ютқазиб қўйган эдилар. Агар ҳамшаҳарларимиз биринчи беллашувда бу қадар ночор аҳволда қолмаганларида фахрли мукофот учун курашни давом эттирган бўлардилар.

Энди эса умидни фақат чемпионат ўйинларига боғлаймиз.

С. МУСАЕВ.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ОСОРИ АНТИҚАЛАР

Балхаш кўлининг шимолий соҳили яқинидаги Кўтанемел деҳасининг водийси юзлаган археолог М. Қ. Қадирбоев экспедицияси қатнашчиларини икки марта ҳайратда қолдирди. Бу ерда республика территориясидаги энг қадимги суғориладиган деҳқончилик излари топилди. Бу водийда бундан тахминан 3 минг йил муқаддам юзлаган аждодлари қайир деҳқончилиги билан шуғулланишиб, тариқ, арпа ва ҳатто буғдой экишган.

Олимларнинг аниқлашларига кўра, андронлар номи билан машҳур бўлган қабилаларнинг вакиллари ана шу жойларда яшашган.

Қадимги заргарнинг гоятда маҳорат билан ясаган ва ҳотин қизи кабрларининг биридан топилган ноёб безак буюмлари ҳайратда қолдирарли иккинчи топилдиги бўлди. Бундан 30—32 аср муқаддам Кўтанемел воҳасида яшаган аёл нўп бронза мунчоқлар қадаб безатилган қийимбоши билан дафн этилган. Аёл чиғаноқ, бўри ва чўл тулкисининг тишларидан терилган маржони, бронза шокила таққан.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС — 64697.
Г. 1661. Р. 12671.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

9.55 — Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 10.00 — «Висол онлари» (Музикали дам олиш программаси). 11.00 — «Ленин, ҳужжатлар, фактлар, хотиралар» (Ҳужжатли фильм).

12.00дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

16.55 — Кўрсатувлар программаси. 17.00 — Рус тилида телеангликлар.

Ўзбек тилида: 17.10 — Телевизион қўғирчоқ театри. 17.40 — «Куйлар йигирма ёшим» (Концерт). 18.20 — Телеангликлар. 18.35 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ғазалхон ёшлигим». 19.30 — Танишинг «Узбектелефильм». 20.30 — Денада кундалиги. 20.55 — Кўрсатувлар программаси.

21.00дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

15.00дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 21.00 — Ҳалқ хизматида. 21.30 — «Қаерда яхши дам олиш мумкин» (Кинофильм). 21.40 — «Дўстлик чаманзори» (украинча рақслар). 22.20 — «Тоғларда қалбим менинг» (Бадиий фильм).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/VIда Жизель, 7/VIда Севилья сартароши (кундузи), Севги тумори (кечқуруи).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕТРИДА — 6/VIда Замон драмаси, 7/VIда Бой ила хизматчи.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/VIда Катта концерт, 7/VIда Фарғона тонг отгунча, 8/VIда Гавҳари шамчироқ.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Лочин изидан — «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 2 ва кеч 8да).

Чингачгуи — катта илон (2 серия, давоми Лочин изидан) — «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Дилбарим — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқуруи).

Ҳалоскорлик (2 серия)—САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқуруи).

Кичик ҳинол учун сюжет — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруи).

Уч тунлик муҳаббат — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4, кеч 6 ва 9.45 минутда).

Чингачгуи — катта илон — «МОСКВА» (кеч соат 8 ярим ва 10да).

ЕЗГИ БИНОДА

Лочин изидан —«ФЕСТИВАЛЬ», Тельман номли.

Хавфли гастроллар — «ХИВА»

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

6, 7 ИЮНДА

КУРАШ МАЙДОНИДА

ЭШ ТАЛАНТЛАР КОНЦЕРТИ

Қатнашадилар:

Дадахон ҲАСАНОВ, Одилжон ОХУНКОНОВ, Жўрахон РАҲИМОВ, Олимжон ОРИФЖОНОВ, Турсунбой ҲАКИМОВ, Рустамхон ҲОЛИҚОВ ва бошқалар.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

Касса кундуз соат 3дан ишлайди.

«СЕЛЬЭНЕРГОПРОЕКТ»НИНГ ЎРТА ОСИЁ БЎЛИМИГА

катта инженерлар, инженерлар; қурувчи, электрчи, сметачи, алоқачи, телемеханика касблари бўйича техниклар; машинистка

КЕРАК

Елғиз ишчилар ётоқхона билан таъминланади.

Ходимларга ишга боришда ва ишдан сўнг институт автобуси хизмат кўрсатади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 1-Рисовий переулок, 9 уй, кадрлар бўлими (5-трамвайнинг «Ҳамза станцияси», 7, 12, 22, 26 автобусларнинг «Рисовий» кўчаси бекати).

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон Телеграф Агентлигининг коллективи ЎзТАГ маҳаллий матбуот бўлимининг диктори Ж. Аҳмадбековага акаси

Искандар ЖУРАБЕКОВ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.